

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди
№ МО 10-25
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
2020 йил “7” декабрь даги
648 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.**

Лотин тили

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИЯВИЙ
МЕТОДИКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

Қайта тайёрлаши ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини

Мувофиқлаштирувчи кенгашининг

2020 йил 30-октябрдаги 6- сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”
модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов,
т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”
модули: и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова,
п.ф.н., доц. М.Дехканова

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”
модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи
Р.Ишмухамедов

“Таълим жараёнига ракамли технологияларни жорий
этиш” модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц.
В.Каримова.

“Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули:
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова,
С.Таджибаева, У.Гиясова, Ш.Файзуллаева

“Мутахассислик фанлари” модули: phd. У. Азизов, ф.фн.
М.Исраилова, ф.ф.н, М.Тошхонов, катта ўқитувчи А. Назаров.

Тақризчилар:

ф.ф.д, Х. Палуанова.- ЎзДЖТУ кафедра мудири,
ф.ф.н., доцент М. Ирисқулов - ЎзДЖТУ

Ўқув дастури ЎзДЖТУ ҳузуридаги РИАИМ Илмий Кенгашининг қарори билан
тасдиқка тавсия қилинган (2020 йил _____ даги _____ -сонли
баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўнкмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўнкма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

III. Мутахассислик фанлари

- 3.1. Лотин тили ва тиббиёт терминологиясининг асослари.
- 3.2. Лотин тилини ўрганишнинг интенсив усуллари.
- 3.3. Лотин тилини ўқитишдаги замонавий методлар.
- 3.4. Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари.
- 3.5. Технологияга асосланган тил ўқитиш.

IV. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илфор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифалари**га қўйидагилар киради:

- “Лотин тили” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- мутахассислик фанлари соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Лотин тили” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- лотин тилини ўқитишнинг назарий ва амалий аспектларини;
- клиник терминология ва дори терминологиясининг хусусиятларини;
- лотин тилида тиббиёт тушунчалари ва уларни ифодаловчи атамалар тизимини;
- лотин тилнинг коммуникатив ёндашувда ўқитиш асослари ва методларини;
- лотин тили ва маданияти тарихини;
- лотин тили ўқитишнинг замонавий ёндашувлари, технологиялари, методлари ҳамда шаклларини;
- CEFR ва унинг доирасида 4 компетенция: лингвистик, социолингвистик, дискурсив ва стратегик компетенцияларини;
- бленded (аралаш) таълимда аудитория ва ундан ташқарида технологиянинг ўрнини;
- интернетни қўллашда асосий кўникмалар: форумлар, конференция ва ҳоказолар орқали боғланадиган веб-саҳифаларни қидириш, яратиш ва баҳолашни **билиши** керак.

Тингловчи:

- ўз касбий фаолияти соҳасида олий таълимнинг ўқитишига оид меъёрий-хукуқий хужжатлари асосида иш юритиш;
- интизомни ўрганиш, тингловчиларининг умумий нутқ маданияти ва уларнинг тоифалардаги филологик таҳлил қилиш;
- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотларни ўтказиш;
- тил ўрганиш ва ўқитишида Web 2.0 воситаларидан самарали фойдаланиш;
- ўз устида ишлаб, фаннинг янги тадқиқотларини ўқитиши тизимини қўллаш;
- тил ўқитувчилари малакасини оширишида аралаш таълим, замонавий қараш ва ёндашувлардан фойдаланиш;
- педагогик жараёнда мулоқот услубларини түғри қўллай олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- тил ва нутқ материалларини танлаш тамойиллари, аутентик манбалар билан ишлаш;
- дарсларнинг технологик мажмуаси (универсал модель, технологик карта, иловалар)ни яратиш;
- тил ўқитиши методикаси бўйича ўрганган маълумотларни амалда қўллай олиш;
- тингловчиларнинг билиш қобилиятларини баҳолай олиш;
- ўқув жараёнини режалаштириш, баҳолаш, фидбек механизmlарини амалга ошириш;
- тингловчиларнинг ўз-ўзини баҳолашга қаратилган портфолиосини ишлаб чиқиши **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- меъёрий-хукуқий хужжатлар асосида таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- лотин тили соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;
- интерактив мултимедиа воситаларидан фойдаланиш;
- чет тили таълимида таълим технологияларни қўллаш;
- илғор ахборот-технологияларида ишлаш;
- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиши қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характерини ўзгартира олиш;
- тил ўрганиш ва ўқитишида масофавий таълим ва платформаларда тингловчиларни баҳолаш;
- чет тили таълимида баҳолашга оид қарорлар қабул қилиш **компетенцияларига** эга бўлиши зарур.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“ЛОТИН ТИЛИ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИННИГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳукуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳукуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳукуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хукуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг хукуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лоиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Sience тизимлари асосида такомиллаштириш.

1.3. Педагогнинг касбий професионаллигини ошириш.

Професионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий професионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-

компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (войиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аник фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўқув-услубий кўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 1200) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида

аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳакида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиш) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқовқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти, анъаналари ва машҳур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот. Резюме тўлдириш, маданий ҳордик, телефонда сухбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ

3.1. Лотин тили ва тиббиёт терминологиясининг асослари.

Лотин тили ва тиббиёт. Клиник терминология. Клиник терминологиянинг хусусиятлари. Клиник атамаларни шакллантиришда ўзакка асосланиш метод сифатида. Клиник атамаларни ўқитиш. Префикс клиник атамаларни шакллантириш усули. Дори воситалари терминлари. Дори терминологияси хусусиятлари.

Феъл ва уни рецепт формулаларда қўллаш. Предлоглар ва уларнинг рецепт формуласидан фойдаланиш. Лотин рецепт матни. Кимёвий элементларнинг лотинча номлари. Равиш, олмош ва рецептурада улардан фойдаланиш. Таржима ва матн таҳлили. Лотин тили гаплари таржимасининг тузилиши ва тартиби. Лотин жумласини грамматик таҳлил қилиш.

Луғат билан ишлаш усули. Матннинг тарихий ва маданий таҳлили. Лотин ёзувлари тамойиллари. Таржима амалиёти. Сўз ва концепт. Концептларни интерпретация қилиш ва ўқитиш.

3.2. Лотин тилини ўрганишнинг интенсив усуллари.

Лотин тили ва маданияти тарихи. Ҳарф турлари. Лотин тилини лексикаси ва сўз бирикмаси. Лотин тилидан рус тилига кириб келган атамалар лексикаси. Сўз ясаш: Лотин (Европа) лексик тизимини шакллантиришга таллуқли сўз ясашнинг асосий моделлари.

Сўзларни ясаш қоидалари, ўзига хос асосий хусусиятлари. Минимум лексика (200 сўз, 50 кенг тарқалган иборалар, "Гаудеамус"). Лотин тили грамматикаси. От. Сифат. Равиш. Олмош. Сон. Феъл. Лотин феълининг 3 та таянч ва 4 бошланғич шакллари.

Замонлар мослашуви. Модус Сониунтивус (субжунтиве): замонлар тизими. Замонлар формасини ясаш. Гапда боғловчи вазифалари. Феълнинг шахси номаълум шакллари: равишдош, супин, герундий ва герундларни ясаш, уларнинг маънолари ва уларни қўллаш. Ёрдамчи сўз туркумлари.

3.3. Лотин тилини ўқитишдаги замонавий методлар.

Замонавий методларни ўрганиб чиқиш, ўқув материалларнинг қийинчилик даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиш, ўқув материалларни танлашдаги стратегиялар, ўқув материаллар яратишда асосий тамойиллар, ўқув материалларини эҳтиёжга мослаш, ўзгартириш, аутентик материалларни қўллаш.

Тил билиш даражасини баҳолаш тамойиллари. Баҳолаш меъзонларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш. Баҳолаш ва материал тўплаш. Коммуникатив ва вазифага асосланган тил ўргатишда баҳолаш мезонларини қўллаш. Альтернатив баҳолаш. Синфни тадқиқ қилиш. Фидбек бериш. Ўз ўзини баҳолаш.

Тестлар яратиш усуллари. Тест принциллари. Аудио матнларни танлаш ва матн харитасини яратиш. Тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув, гаплашиш кўникмаси бўйича тестлар таҳлил қилиш ва яратиш кўникмаси.

3.4. Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари.

Коммуникатив тилшунослик тушунчаси. Коммуникатив компетенция тамойиллари. CEFR ва унинг доирасида 4 компетенция: лингвистик, социолингвистик, дискурсив ва стратегик компетенциялар.

Сўзлашув орқали коммуникатив компетенцияни ўргатиш. Тинглаш орқали коммуникатив компетенцияни ўргатиш. Ёзиш орқали коммуникатив компетенцияни ўргатиш. Ўқиш орқали коммуникатив компетенцияни ўргатиш.

Коммуникатив грамматика ва коммуникатив лексика. Тилни дискурсив ёндашувда ўқитиши. Ўқитишида конструктивистик ёндашув. Сўз ва концепт. Концептларини интерпретация қилиш ва ўқитиши.

3.5. Технологияга асосланган тил ўқитиши.

Тил ўқитувчилари учун матн ва тақдимот дастурлари. Мавжуд тижорат ва бепул дастурлар асосида мултимедиа материалларини яратиш ва улардан фойдаланиш хусусиятлари. Тил корпорасига кириш, мосликни ишлатиш ва матнни таҳлил қилиш дастурларидан аудиторияда қўллаш учун тил материалларини яратиш.

Интернетни қўллашда асосий қўнікмалар: форумлар, конференция ва ҳоказолар орқали боғланадиган веб-саҳифаларни қидириш, яратиш ва баҳолаш. Подкастлар билан ишлаш, Викилар ва блоглар каби веб-технологияларда ўкиш ва ёзиш тажрибаси. Дарс режалари, электрон ўкув материаллари, веб-сайт дизайнни каби кичик масштабдаги лойиҳаларни яратиш ва бажариш воситалари.

Рақамли технологияларнинг имкониятлари ва муаммолари. Веб-саҳифалар ва веб-платформаларни яратиш ва улардан самарали фойдаланиш. Тилларни ўқитишида бленded (аралаш) таълим. Бленded (аралаш) таълимда аудитория ва ундан ташқарида технологиянинг ўрни. Тил ўрганиш ва ўқитишида мултимедиадан самарали фойдаланиш. Аралаш таълимда машқ, вазифа ва лойиҳалар. Тил ўрганиш ва ўқитишида Web 2.0 воситаларидан самарали фойдаланиш.

IV. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўкув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўкув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун химоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурӯҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;
- ўқув машғулотларининг ҳар хил турлари (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;
- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;

- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш;
- мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариандаги манбалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. 400 б.

II. Норматив-хукуқий хужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Конуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрь “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавқат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

20. Белогуров А. Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

21. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

22. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

23. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

24. Кацман, Н.Л., Покровская, З.А. Латинский язык. – М.: ВЛАДОС, 2013. [Электронный ресурс]

25. Латинский язык и основы медицинской терминологии: учеб. пособие / Л. В. Долгушина; Новосиб. гос. ун-т. – Новосибирск: РИЦ НГУ, 2013. – 96 с.

26. Латинский язык и основы терминологии / под ред. Ю. В Шульца. М.: Медицина, 2015. 206 с.

27. Лотин тили. Л. Хўжаева, X. Зоҳидова. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2015. 204 б.

28. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

29. Петрова Г. В., Еремичева В. И. Латинская терминология в медицине: справочно-учебное пособие для медиков и фармацевтов. М.: Астрапель АСТ, 2017.
30. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; Нижнетагил. технол. ин-т (фил.). – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.
31. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
32. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бугакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
33. Соболевский, С. И. Грамматика латинского языка: Теоретическая часть. Морфология и синтаксис: учебное пособие для вузов и средних специальных учебных заведений / С. И. Соболевский. –СПб.: Алетейя, 2014 – 431 с.
34. Хрестоматия по латинскому языку: для вузов / сост.: О. В. Бударагина, Т. Б. Путилова; под. ред. Н. М. Ботвинник. –М. [и др.]: Академия [и др.], 2013. –115 с.
35. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўкув юртларида ўкув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўкув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
36. Ярхо В. Н., Лобода В. И. Латинский язык. М.: Просвещение, 2013.
37. David Spencer, “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
38. David L.Chiesa (Ed), U.Azizov, S.Xan, K.Nazamutdinova, K.Tangirova. Re-conceptualizing Language Teaching: An-In-service Teacher Education course in Uzbekistan. Baktria Press 2019. ISBN 978-9943-5809-9-2. 205.
39. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
40. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013.
41. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
42. Mitchell H.Q., Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
43. Mitchell H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183
44. Proverbia et dicta Latina: методическая разработка для студентов дневного и заочного отделений филологического факультета / [Сост. Т. В. Вяничева] –Томск: Изд-во ТГПУ, 2010. – 66 с.

IV. Интернет сайлар

43. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
44. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
45. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
46. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
47. <http://www.gumer.info.ru> - Тил ўрганиш сайти:
48. <http://www.knigafund.ru> - Тил ўрганиш сайти

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази
Директор _____ Т.Т.Шоймардонов
“_____” 2020 й.
М.Ү.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети
Ректор _____ У.Б.Азизов

“_____” 2020 й.
М.Ү.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети
хузуридаги чет тилларни ўқитишининг
инновациявий методикаларини
ривожлантириш Республика илмий-амалий
маркази

Директор-проректор в.в.б. З. Ш. Насиров
“_____” 2020 й.
М.Ү.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини
oshiриши ташкил этиш ҳамда
мувофиқлаштириш бошқармаси
Бошқарма бошлиғи _____ Ф.Т.Эсонбоев
“_____” 2020 й.

М.Ү.

